

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 116 (1715), 2026 йил 10 июнь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news



## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЮҚОРИ ТАШКИЛИЙ ДАРАЖАДА ЎТҚАЗИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

### Президент Шавкат Мирзиёевга навбатдаги Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик юзасидан ахборот берилди.

Ушбу форум мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳиятини кенг намоён этиш, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни шакллантириш ва илгари суриш учун муҳим халқаро майдонга айланган.

2022 йилда илк бор ўтказилган форумда 56 мамлакатдан 1 мингдан зиёд хорижий меҳмон иштирок этган эди. Бу йил 16-18 июнь кунлари бўлиб ўтадиган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида 99 та мамлакатдан жами 8 мингдан зиёд иштирокчи, жумладан, қарийб 3,1 минг нафар хорижий меҳмон қатнашиши кутилмоқда.

Тадбирга тақдир этилганлар орасида хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари ва вакиллари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, инвестиция жағмармалари ва ишбилармон доиралар раҳбарлари бор.

Тақдимотда форум ва унинг доирасида ўтказиладиган тадбирлар дастури ҳақида маълумот берилди. Хусусан, ялли мажлис, икки томонлама учрашувлар, тармок ва ҳудудлар тақдимотлари, инвестиция келишувларини имзолаш маросимлари ҳамда ишбилармонлар мулоқотлари ўтказилади.

Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳиятини намоён этиш кўргазмасида қишлоқ хўжалиги, энгил саноат, геология, электротехника саноати, машинасозлик, кимё саноати, энергетика, сунъий интеллект ва ахборот технологиялари тармоқларининг имкониятлари тақдим этилиши режалаштирилган.

Форум доирасида Президентимиз ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгаширининг навбатдаги ялли мажлиси ҳам бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизда

инвестиция муҳитини янада яхшилаш, саноат-технологик ва инновацион ривожланишни жадаллаштириш, хусусан, ялли мажлис, икки томонлама учрашувлар, тармок ва ҳудудлар тақдимотлари, инвестиция келишувларини имзолаш маросимлари ҳамда ишбилармонлар мулоқотлари ўтказилади.

Жорий йилги форумда ҳам инвестиция келишувларининг йирик тўпламини имзолаш режалаштирилган. Ҳозирда янги лойиҳаларни шакллантириш ишлари жадал кетмоқда.

Ишлаб чиқиладиган келишувлар кимё саноати, геология ва металлургия, энгил саноат, электротехника ва машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, энергетика ва экология, рақамли технологиялар, қурилиш ва инфратузилма, банк-молия, транспорт-логистика, туризм ҳамда таълим каби муҳим йўналишларни қамраб олади.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши янги иш ўринлари яратиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш, инфратузилmani модернизация қилиш ва ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари форумни юқори ташкилий даражада ўтказиш, ҳар бир тармок ва ҳудуднинг инвестициявий салоҳиятини аниқ лойиҳалар орқали намоён этиш муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга хорижий меҳмонларни кутиб олиш, тадбирлар дастурини пухта ташкил қилиш, имзоланадиган келишувларнинг аниқ ижро механизмларини белгилаш ва форумдан кейин уларни тизимли мониторинг қилиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш кафолатларини янада кучайтириш, судларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг профессионал тизимини жорий этиш, шунингдек, суд тизимида 2026 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича эълон қилинган “**фавқулодда ҳолат**”дан келиб чиқадиган вазибаларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

- 1. Мақсадлар**
  1. Қўйидагилар мазкур Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:
    - а) судларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, замонавий **комплаенс назорат тизимини** жорий этиш орқали коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт бартараф этиш;
    - б) суд аппарати ходимларини ишга қабул қилиш жараёнини **шаффоф тартиб-таомиллар ва очик танловга** асосланган тарзда ташкил этиш, уларнинг салоҳияти, иқтидори, касбий сифатлари ҳамда алоҳида хизматларини одилона ва ҳаққоний баҳолаш (**меритократия**) асосида касбий ўстириш;
    - в) суд тизимида **жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш** ва суднинг нуфузи ва обрўсини ошириш, суд органларини Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг кўмакчисига айлантириш.
  2. **Суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш**
    2. Олий суднинг қўйидаги тақдирлари маъқуллансин:
      - а) суд тизимининг мавжуд бошқарув штаб бирликлари доирасида суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва тартибга солиш учун масъул бўлган **Комплаенс назорат хизмати**ни ташкил этиш;
      - б) суд аппарати ходимлари касб масъулиятини янада чуқур ҳис этишлари мақсадида **мансаб даражасига эга бўлган суд аппарати ходимлари учун ихтисослашган хизмат кийимини** жорий этиш.
      3. Белгилансинки, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш:
        - а) судьялар корпусига нисбатан — Судьялар олий кенгашининг **Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси** томонидан;
        - б) суд аппарати, шу жумладан, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларига нисбатан — Олий суднинг

Давоми 2-бетда

## ТОҒ-КОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

### Президент Шавкат Мирзиёев тоғ-кон саноати ҳамда геология соҳасида рақамли ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида тоғ-кон саноати ва геология тармоғи муҳим ўрин тутди. 2025 йилда жами саноат маҳсулотининг 20 фоизи ушбу соҳа корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Уларнинг бюджетга тушумлари 118,5 триллион сўмни ташкил этди.

Шу боис, соҳани технологик трансформация қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий рақамли ечимларни кенг татбиқ этиш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, инвестицияларни кўпайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда стратегик аҳамият касб этади.

Дунёда “барқарор ривожланиш” ва “рақамли геология” концепциялари жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2025 йилда йирик тоғ-кон саноати корхоналарида 7,3 триллион сўм операциялар харажатлар тежалиб, маҳсулот таннархи 9,1 фоизга камайган.

Шунингдек, “Геомониторинг” ахборот тизими жорий қилиниб, 2 мингдан ортқ қазилма участкаларига оид маълумотлар рақамлаштирилган.

Келгуси беш йилда олтин захирасини кўшимча 879 тоннага, кумушини 510

тоннага, мисни 676 минг тоннага ошириш бўйича ишлар бошлангани қайд этилди.

Сунъий интеллект технологиялари геологик маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, қазилма бойликларни прогноزلаш, захираларни аниқ ҳисоблаш ва бургилаш ишлари самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу мақсадда геология-қидирув жараёнининг барча босқичларида сунъий интеллект ечимларини жорий этиш режалаштирилган.

Президентимиз бунинг учун соҳада технологик трансформацияни янги босқичга олиб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнларини сунъий интеллект ёрдамида бошқариш ва таҳлил қилиш тизимини шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тоғ-кон саноати ва геологияда хариталар, қидирув натижалари, бургилаш маълумотлари, лаборатория таҳлиллари ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари каби жуда катта ҳажмдаги маълумотлар шаклланади. Уларни ягона электрон базага жамлаш, тезкор қидириш ва 3D моделлар орқали таҳлил қилиш янги конларни аниқлаш имкониятини оширади.

Бунинг натижасида таннархи 10 фоизга камайириши, янги конларни очиб

муддатини 2 қарра қисқартириш, инвесторларга тақдим этиладиган тақдирлар сонини 4 баробар ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда 2030 йилгача геология ва тоғ-кон саноатида 30 миллиард доллардан ортқ инвестиция жалб қилиш мақсад қилинган таъкидланди. Бунинг учун, аввало, инвесторлар талаб қилаётган сифатли ва ишончли рақамли маълумотлар базасини шакллантириш зарур.

Шу муносабат билан Геологик маълумотлар миллий базасини яратиш тақдир қилинди. Мазкур жараёнда “Технологик трансформация маркази” ташкил этилиб, мавжуд 36 мингдан ортқ ҳисоботлар ва бирламчи маълумотлар рақамли кўринишга ўтказилади. Натижада геологик маълумотларни шакллантириш, конларни моделлаш ва захираларни ҳисоблаш жараёни 2 қарра тезлашади.

Тақдимотда 2026-2030 йилларда геология соҳасида ҳамда 6 та йирик корхона — “Навой кон-металлургия комбинати”, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати”, “Навоийурган”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккумир” ҳамда “Ўзбекистон технологик металл комбинати”да сунъий интеллект ва рақамли технологияларни

жорий этиш бўйича жами 44 та лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳақида ахборот берилди.

Ушбу лойиҳалар беш асосий йўналишни қамраб олади: ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш, корпоратив бошқарувни рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, меҳнат ва саноат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кон-геология ишларини рақамли трансформация қилиш.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида операция самарадорлиги 7 фоизга, техника ва ускуналар ишончилиги 20 фоизга, энергия самарадорлиги эса 8 фоизга ошиши кутилмоқда. Шунингдек, инсон омил билан боғлиқ хато ва хавфлар 15 фоизга камайиши мумкин.

Кейинчалик ушбу ечимларни патентлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддиларга тоғ-кон саноати корхоналари бизнес-режаларини тузишда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирларни киритиш, технологик ва сунъий интеллект лойиҳалари бўйича алоҳида дастурларни тасдиқлаб бориш топширилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Президентимизнинг 29-Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этиш учун Санкт-Петербургда ташрифи Ўзбекистон — Россия стратегик шериклигини ривожлантириш ва Евроосиёнинг янги иқтисодий кун тартибини шакллантиришда муҳим воқеа бўлди. Жаҳон иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар кечаётган ҳозирги шароитда Петербург халқаро иқтисодий форуми нафақат ишбилармонлик мулоқоти майдони, балки савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси, рақамлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва инсон капиталини ривожлантириш соҳаларида амалий ечимлар ишлаб чиқиладиган муҳим платформадир.



### Нуқтаи назар

Форумнинг “Прагматик мулоқот — барқарор келажак сари йўл” ширини остида ўтгани ҳам раъзий маънога эга. Бу го янги Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати мазмунига тўла мос келади. Прагматик мулоқот декларатив баёнотларни эмас, балки ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва амалий натижага асосланган аниқ ечимларни англади. Бугун Ўзбекистоннинг

Россия ва бошқа стратегик шериклар билан муносабатларини айнан ана шундай ёндашув белгилаб бермоқда.

Мамлакатимиз етакчиси замонавий дунё чуқур қайта қурилиш даврига кирганини таъкидлади. Дарҳақиқат, транспорт йўлақлари ўзгармоқда, янги ишлаб чиқариш занжирлари шаклланимоқда, рақамли платформалар, сунъий интеллект, логистика, энергетика хавфсизлиги ва технологик суверенитетнинг аҳамияти ортқ бормоқда.

Давоми 4-бетда

## ИЖОД УЧУН ЭНГ ЯХШИ ВАҚТ – ҲОЗИР!

Шу кунларда халқимиз, зиёлиларимиз ажиб ҳис-ҳаяжон қуршовида яшамоқда. Бу маънавий ҳаётимизга дахлдор тарихий воқеалар боисидан. Жорий йил 28 май кунин Президентимизнинг маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимлари, жумладан, бир гуруҳ марҳум ижодкорларни муқофотлаш тўғрисидаги фармонлари қабул қилинди. 1 июнь кунин давлатимиз раҳбари маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув ўтказди. Мазкур воқеалар том маънода янги Ўзбекистон ислохотларининг маънавий архитектурасини янада ёрқин кўрсатиб берди.

Қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажак мустаҳкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитетини кучли бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ижодкорларнинг муқофотланиши юксак иборат намунаси. Президентимизнинг инсонпарвар сиёсати натижасида аъна тусига кирган бундай олижаноб ёндашув янги Ўзбекистон чинакамига инсон

қадр-қиммати улуғланадиган ижтимоий давлат эканини амалда исботламоқда. Ижоднинг эътирофи ижодкорнинг ўзи билан бирга яқинлари, авлодлари ва маҳалласидагиларга ҳам фахр бағишлайди. Бунда катта

маънавий рағбат бор. Айниқса, марҳум ижодкорларнинг муқофотланиши бугун бошли сулолага ва унинг давомчиларига берилган эътироф ҳамдир.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Бошланиши 1-бетда**

6. Белгилансинки:

а) Комплаенс назорат хизмати раҳбари Олий суд раиси **томонидан лавозимга тайинланади** ва лавозимдан озод этилади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий таъминот ва ижтимоий ҳимоя шартлари бўйича Олий суд департамент бошлиғига тенглаштирилади;

б) комплаенс назорат бўйича инспекторлар Олий суд раиси **томонидан лавозимга тайинланади** ва лавозимдан озод этилади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий таъминот ва ижтимоий ҳимоя шартлари бўйича Олий суд бош консултантга тенглаштирилади;

в) комплаенс назорат бўйича инспекторлар Ҳарбий суд, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида жойлаштирилади;

г) Комплаенс назорат хизмати лавозимларига ҳалол, пок ва бениқсон обрў-этиборга эга бўлган олий юридик маълумотли, шунингдек, қоида тариқасида, суд-ҳуқуқ соҳасида камида 5 йиллик иш стажига эга **номзодлар** тайинланади;

д) Олий суд раисига **Комплаенс назорат хизмати** ходимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда **қўшимча устамалар** тўлаш ҳуқуқи берилди;

ж) Комплаенс назорат хизмати ходимларига юклатилган вазифалар доирасида суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқи ҳамда хизмат вақтида ва хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини тутиши, умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ масалаларда хизмат текширувларини ўтказиш ваколати берилди.

7. Олий суд:

а) **2026 йил 1 сентябр**га қадар суд аппарати фаолиятида коррупциянинг олдини олиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** ва

суд аппаратидаги коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган **лавозимлар рўйхатини** тасдиқласин;

б) **2027 йил 1 март**га қадар суд аппарати ходимларининг коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган вазифа ва функцияларини рақамлаштириш, уларни амалга оширишда инсон омилни камайтириш чораларини кўрсин.

8. Олий суд **уч ой мuddатда суд аппарати ходимларини ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ чекловларни белгилловчи низоми**ни ўрнатилган тартибда тасдиқласин. Низомда қуйидагиларга нисбатан чекловлар назарда тутилсин:

а) муқаддам коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахсларни ишга қабул қилиш;

б) нотариус, адвокат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи фаолиятида ноҳуқият ҳаракатлари учун лавозимдан бўшатирилган шахсларни уч йил мобайнида ишга қабул қилиш;

в) педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиш;

г) тадбиркорлик субъектини таъсис этиш, унда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажариш (бунидан акциядорлик жамиятлари эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно);

д) ўз хизмат вазифаларини сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш;

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очмиш ва уларга эга бўлиш, кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиш.

9. Олий суднинг **HR-менежмент** механизми билан кенг фойдаланган ҳолда

судлар аппаратининг кадрларини бошқариш ва назорат қилишнинг самарали ҳамда замонавий тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Унга кўра **2026 йил якунига қадар**:

а) номзодларнинг шахсий ва касбий фаилатлари, шу жумладан, уларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳалоллик сифатларини ҳаққоний баҳолаш имконини берувчи очик танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини жорий этиш. Бунда малакали кадрларни жалб этиш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг замонавий усуллари кенг фойдаланиши назарда тутиш;

б) инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришда рақамли технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда вакант лавозимларни эълон қилиш, номзодларни саралаш, танлаш ва ишга қабул қилиш жараёнларини рақамлаштиришга мўлжалланган **“vacancy.sud.uz” портали** ҳамда суд тизимида ходимлар билан ишлаш ва кадрлар маъмуричилигининг замонавий услубларини жорий этишга қаратилган **“SudHR” электрон платформасини** ишлаб чиқиш ва ишга тушириш;

в) замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда суд аппарати ходимларининг касбий маҳорати ва касб билан боғлиқ қақриқларга бардошлилиги, аҳиллик ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, англикларга мослашишга қодир жамоани шакллантириш;

г) судларга олий юридик маълумот ва илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни жалб қилишда республиканинг етакчи олий таълим муассасалари ҳамда Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиш таъминлансин.

10. Олий суд **икки ой мuddатда** Олий суд ва куйи судлар тузилмасини белгиланган шарт бирликлари доирасида мустақил тасдиқлаш ҳуқуқини Олий суд раисига

беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин.

11. Судьялар корпусида **коррупцияга мурасазликни шакллантириш**

11. Судьялар олий кенгаши ва Бошқарув самарадорлиги агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) Одил судлов академияси ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳузуридаги Раҳбар кадрларни баҳолаш марказининг моддий-техник базаси ва илмий-амалий ресурсларидан фойдаланган ҳолда **2026 йил якунига қадар** суд тизимида коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш;

б) Одил судлов академиясида номзодларни судьялик касбига тайёрлашда қўшимча равишда шахсий-профессионал ва коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш амалиётини жорий этиш.

12. Олий суд **уч ой мuddатда** суд ишларини автоматик тақсимлаш дастури янада такомиллаштириш чораларини кўрсин. Бунда:

а) ишларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш мезонларининг тугал асосларини белгиллаш, мазкур жараёнлар шаффофлигини таъминлаш;

б) ишни бир судьядан бошқа судьяга асосси равишда ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш назарда тутилсин.

13. Судьялар олий кенгаши **2026 йил сентябрга қадар** Одил судлов академиясида судьялар ва суд аппарати ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг бошқа кўринишларининг олдини олиш бўйича **“реал кейслар”**га асосланган ўқув-амалий модулни жорий этсин.

14. Судьялар олий кенгаши:

а) **2026 йил 1 сентябрга қадар** Одил судлов академиясида мавжуд бошқарув

шарт бирликлари доирасида **ички хавфсизлик назорати хизматини** ташкил этиш;

б) **2027 йил 1 июнга қадар** Одил судлов академиясини ISO 37001 **коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими халқаро стандарти бўйича аудитдан ўтказиш** чораларини кўрсин.

15. Судьялар олий кенгаши Олий суд, Одил судлов академияси билан биргаликда судьялар ва суд аппарати ходимларининг ҳар уч йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув курсларида малакасини ошириш чораларини кўриб бориш.

16. Қуйидагилар:

а) Судьялар олий кенгаши — **2026 йил 1 сентябрга қадар** судьялар томонидан **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳамда даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни Кенгашга тақдим этиш**, шунингдек, уларни текшириш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизимини;

б) Олий суд **2027 йил 1 майга қадар**:

(i) суд аппарати ходимлари томонидан **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳамда даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни Олий судга тақдим этиш**, шунингдек, уларни текшириш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизимини;

(ii) суд аппарати ходимлари фаолиятидаги коррупция, шубҳали схемалар ва интизом бузилишларига олиб келувчи бўшлиқларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, суд аппарати ходимлари фаолиятини мониторинг қилиш имконини берувчи **коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш электрон ахборот тизимини** ишга туширсин.

17. Судларда **комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари бўйича “йўл харитаси”**ни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Олий суд **уч ой мuddатда** Комплаенс назорат хизматини малакали кадрлар билан тўлдирши ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиши таъминлансин.

19. Олий суд Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Комплаенс хизмати ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Олий судга Комплаенс назорат хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, ходимларнинг малакасини оширишда услубий жиҳатдан кўмаклашиб бориш.

21. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Олий суд раиси Б.Д. Исламов ва Судьялар олий кенгаши раиси Х.Б. Ёдгоров белгилансин.

22. Фармон ижросини муҳофаза қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Н.Ж. Хакимова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2026 йил 8 июнь

**Ш. МИРЗИЁЕВ**



Жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, sanoat ва технологияларнинг кескин ривожланиши, энергия бозорларидаги трансформация, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши Ўзбекистондан ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар қандай давлат миллий хавфсизлигининг бир қисми ва иқтисодий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Давлат мустақил ва барқарор ташқи ва ички сиёсат юритиши учун, аввало, аҳолининг барча қатламларига керакли ва эҳтиёжга мос озиқ-овқат таъминотини кафолатлаши зарур.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий таъминотининг тўртдан бир қисминини ташкил қиладиган муҳим соҳа. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигини ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ҳам қабул қилинган, кенг қўлланган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, аграр соҳада ижобий ўзгаришлар юз бериб, бу жараён давом этаётди.

Айни пайтда Ўзбекистон учун бу йўналиш алоҳида аҳамиятга эга ва агросаноат мажмуаси чуқур трансформация жараёнида. Яъни аввалги хомашё етиштиришга йўналтирилган тизим ўрнини қайта ишлаш, маҳсулот сифати ва юқори қўшилган қийматга асосланган янги тизим эгалламоқда.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказиш, экспорт географиясини яна 100 та давлатга кенгайтиришни мақсад қилган. Энди озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига назоратнинг оддий йўналиши сифатида эмас, бутун тизимнинг пойдевори сифатида қаралмоқда. Боиси, замонавий озиқ-овқат бозорини нафақат ишлаб чиқариш ҳажмига, балки маҳсулотни етиштириш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнлари шаффофлигидан тортиб, ветеринария талаблари, хомашё сифати, назорат ва барча босқичларда ягона стандартларга мувофиқлик масаласига ҳам юқори талаб қўймоқда.



## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЯГОНА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Шу сабаб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат бошқаруви тизимини шакллантириш бугун тармоқ тараққиётининг муҳим шартига айланди. Асосийси, ветеринария назорати, санитария талаблари, лаборатория диагностикаси, қайта ишлаш жараёнлари ва назорат тизимлари ўзаро уйғун ҳолда фаолият юритадиган ягона инфратузилма ни яратиш зарур. Бу, айниқса, бир вақтнинг ўзида бир неча стратегик вазифани ҳал этаётган мамлакат учун ниҳоятда муҳим.

Ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва экспорт географиясини кенгайтиришда чорвачилик тармоғи алоҳида ўрин тутди. Қўлпаб мамлакатларда айнан чорвачиликнинг ривожланганлик даражаси аграр секторнинг юқори кўрсаткичи сифатида баҳоланади. Бу ўринда нафақат ишлаб чиқариш ҳажми, балки селекция, ветеринария хизмати, озука базаси, биохафсизлик, қайта ишлаш технологиялари ва самарали назорат тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Маълумотларга кўра, кейинги 25 йилда дунё мамлакатларининг 42 фоизда қорамоллар сони 12 фоиз қисқарган. Бунинг асосий сабаблари қиммат озука, қурғоқчилик, экологик омиллар, юқори фойза ставкалари ва даромад камайиши билан боғлиқ. Натижада жаҳон бозорини тўртдан бир қисми рекорд даражага етган.

Юртимизда мазкур тармоқни изчил ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунки айнан шу тармоқ гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш учун асосий хомашё базасини шакллантиради.

Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ветеринария назорати, лаборатория

бахолаши, сертификатлаштириш жараёнларининг тизимлиги маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш баробарида аҳолининг соҳага ишончини ҳам оширади. Муҳими, экспорт географияси кенгайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масаласига қаратилган алоҳида ёндашув агросаноат мажмуасининг барқарор ривожини таъминлайди. Қолаверса, мамлакат ҳам халқаро бозорларга қанчалик чуқур интеграциялашиб бора, мазкур соҳада ягона, изчил ва профессионал асосда шакллантирилган бошқарувининг самараси шунчалик орттиб боради.

Шу боис, бу тармоқ ривожини йўлда юртимизда амалга ошириладиган ҳар бир лойиҳа давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жорий йил 12 май куни озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада қатор вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини барқарорлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кенг имкониятлар

яратилган. Бугунги кунда 4 миллион гектар экин майдони, 1,5 миллион тонна ситмига эга сақлаш омборлари ва 3,5 миллион тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, шунингдек, 4 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконини бермоқда.

Шу муносабат билан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва халқаро талабларга мос ягона марказлашган тизим яратилиши белгиланди. Унга мувофиқ, “даладан дастурхонгача” таъминоти асосида барча назорат жараёнларини қамраб оладиган Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги қўмитаси ташкил этилди.

Янги тизимда эскирган, тадбиркор фаолиятига тўсиқ бўлаётган текширувлардан воз кечилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий сертификатлаш бекор қилиниб, унинг ўрнига хавфга асосланган назорат ва текширув тартиби жорий этилди.

— Бугун тармоқда янги ислохотлар дари бошланди. Эндиликда хавфли маҳсулотлар тўғрисида тезкор хабар бериш ва уларни қайтариб олиш бўйича электрон тизим яратилди, — дейди Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги директори Иброҳим Эргашев. — 2029 йил 1 январдан бошлаб мева-сабзавот экспорти фақат агрологистика марказлари орқали амалга оширилади. Экспорт салоҳияти юқори ийрик озиқ-овқат қорхоналарини халқаро хатарлар таҳлили стандарти ва Алиментариус кодекси талабларига ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 20 тундадан ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришга кўмаклашувчи жамоатчи инспекторлар фаолияти йўлга қўйилиши жараёнларни тезлаштириш, ортиқча текширувларни камайтириш ва энг асосийси,

маҳсулотни сифатли экспортга тайёрлашга хизмат қилади.

Фол ва ҳалол ишлаётган фермерлар рейтингини юрғутилади ва уларга қўшимча имтиёзлар берилди. 2027 йил 1 мартгача озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ягона автоматлашган ахборот платформаси ишга туширилади. У чегарадаги “Ягона дарча” тизими билан интеграция қилиниб, экспортчилар ортиқча бюрократик жараёнлардан озод этилади.

Тадбиркор ва фермерлар учун яна бир қулайлик мева-сабзавот экспорти статистикаси маҳсулот қайси ҳудудда етиштирилган бўлса, уша ҳудудда ҳисобга олиниши бўлди. Кейинги йилдан лаборатория текшируви, ҳайвонларни эмлаш, дезинфекция ва идентификация қилиш каби давлатнинг 6 та функцияси хусусий секторга берилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Ҳар бир маҳсулот бўйича онлайн кузатиш тизими йўлга қўйилади. Фермер ва деҳқонлар учун “Агро кўмакчи” мобил иловасида электрон “Дала дафтари” тизими жорий этилади. Мазкур тизим орқали сунъий интеллект зарарқонанда тарқалишини олдиндан башорат қилиб, деҳқонларга зарур тавсиялар беради.

— Йиғилишда чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам муҳофаза қилинди, — дейди қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Акмалжон Қосимов. — Айни мақсадда Қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳузурида Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. У Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси негизда қорамол фаолият бошлайди. Янги агентлик олдида қорамоллар сони 16,5 миллион, қўй ва эчкилар сони 30 миллион, паррандалар сони 141 миллион бошга етказиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, гўшт ва сутни қайта ишлаш даражасини 50 фоизга, наслдор қорамоллар улусини 90 фоизга етказиш, озуқабоп экин майдонларини эса 1,5 баробар кўпайтириш белгиланди. Озука базасини кенгайтириш ва наслчиликни яхшилаш мақсадиди Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан биттадан туман чорвачиликка ихтисослаштирилди.

Чорвачиликни моливиий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари йиллик 10 фойза ставкада, 4 йил имтиёзли давр билан 10 йил мuddатга кредитлар ажратади. Наслдор чорвани импорт қилувчилар 2029 йилгача қўшилган қўймақ солиғидан озод қилинади. Банкларга йиллик 6 фойза ставкада 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ресурс жойлаштирилади. Ушбу ресурслар ҳисобидан жорий йилда 5,5 триллион сўмлик 1,5 мингта лойиҳани ишга тушириш, 25 мингта иш ўрни яратиш ва қорамоллар сони 400 мингтага ошириш режалаштирилган.

Янги тизимни жойларда самарали ташкил этиш, тадбиркорлар ва фермерларга амалий кўмак бериш, чорвачиликда озуқа базаси, наслчилик, қайта ишлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга иқтисодий барқарорликка эришиш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг ижод эркинлиги соҳасидаги ислоҳотлари кўп қиррали ва тизимли характерга эга. Улар аниқ мақсадларга таянган. Ҳуқуқий асослар, очиқлик сиёсати, давлат қўллаб-қувватлови, таълим ислоҳотлари ўзаро уйғун ҳолда ривожланмоқда.

**Бирлашсак — катта кучмиз**



# ИЖОД УЧУН ЭНГ ЯХШИ ВАҚТ —



**Шухрат ОРИПОВ,**  
журналист

**Бошланиши 1-бетда**

Оила аъзолари ўз хонадонда йиғилиб, бу воқеани фарзандлари ва набиралари билан хурсандчиликда нишонлайпти. Фотоальбомларни арақлаб, ўтган кунларни хотирлайпти. Шу тарихий оилавий анъаналар ривож топади, авлодлар орасида ҳамжиҳатлик кучаяди ва ўз илдизларига боғлиқлик мустаҳкамланади.

Маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув кўп жиҳатдан тарихийдир. Давлатимиз раҳбари бу мулоқотни “илҳом бериш кўни” деб номлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, билдирилган ташаббуслар адабиёт, санъат ва маданият соҳаси вакилларига кучли илҳом бағишлади.

Хусусан, ижодкорларни рағбатлантириш ва ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим жорий этилиши белги-ланди. Театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолгу, тасвирий ва амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этиш, ҳар йили Миллий ижодкорлар қурултойини ўтказиш ва унда йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорларни муносиб тақдирлаш ташаббуси янгилади.

Мусиқа соҳасида янги асарлар яратган, халқаро танловларда гўлиб бўлган ёш асарлари мамлакат ва халқаро сахналарда ижро этилаётган қўшиқчи, созанда ва композиторлар, адабиёт соҳасида ёш асарлари кенг эътироф этилган, катта ададида чоп этилган, театр ва кинода сахналаштирилган шoir, ёзувчи ва драматурглар рағбатлантирилади. Бундай ижодкорларга йил давомида ҳар ойда 5 миллион сўмдан гонорар берилди. Улар Ўзбекистон бўйлаб самолёт, поезд ва жамоат транспортидан bepул фойдаланади.

Учрашувда ижодкорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қатор имтиёзлар эълон қилинди. Ҳар йили 1000 нафар шoir ва ёзувчи, маданият ва санъат вакили, музей ходими ва рассомларга уй-жой олиш учун ипотека кредити дастлабки тўловининг 50 фоизи қоплаб берилди.

Маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув бир ҳақиқатни исботлади — янги Ўзбекистон том маънода ижодкор қадр топаётган замин. Бугун қайси ижодкор билан суҳбатлашсанг, ўз ютуқлари, меҳнатига яраша рағбат топаётгани ҳақида жўшиб гапирди. “Замонимиз келди. Ижод учун энг яхши вақт — ҳозир!” дейди улар тўқилган.

Аслида ҳам шундай! Ватанимизда ижод эркинлиги учун яратилган имкониятлар эътиборга молик. Дунёга боқайлик: ҳамма мамлакатда ҳам ҳўлат биздагидек эмас. Ҳамма давлатнинг раҳбари ҳам ижодкорлар билан мулоқот қилаётгани ва улар ҳақида қайғурмаётгани. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ижод эркинлиги борасида узоқ йиллик муаммоларни, ижодий турғунлиқни кузатиш мумкин.

Айтмоқчи бўлганимиз — Ўзбекистондаги ижод эркинлиги муҳити ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган воқелик ёки тасодифий қарорлар ҳосиласи эмас. Бунга ижод аҳлини юракдан яхши кўрадиган, уларни қадрайдиган ва ижодкорнинг маънавий миссиясини тeрaн англайдиган Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли эришилмоқда.

**Ижод эркинлиги — жамият драйвери**

Французлик файласуф, Нобель мукофоти совриндори Альбер Камю “Эркинлик — инсон қадрининг асоси”, дейди. Ўзвучининг бу нуқтани назари ижод эркинлиги инсоннинг маънавий моҳияти билан боғлиқ эканини кўрсатади. Эркинлик бўлмас, ижод ҳам, шахс ҳам тўлиқ ривожлана олмайди.

Ижод эркинлиги жамият ривожининг асосий драйверларидан. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар бу эркинликнинг аҳамиятини янада кучайтирди ва уни жамият тараққиётининг муҳим омилли сифатида намоён қилди. Тизимли ислоҳотлар натижасида жамиятда очиқлик ва фикрлар хилма-хиллиги-га нисбатан муносабат сезиларли ўзгарди.

Мамлакатимизда ижод эркинлигини таъминлаш борасидаги сиёсат моҳиятида бугунимиз ва эртанги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга улугвор мақсадлар бор.

**Биринчидан,** ижод эркинлиги ҳар қандай замонавий демократик жамиятнинг пойдевор принципларидан. У иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишга туртки беради. Тарихимиздаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс мисолида бу ҳақиқатни кўришимиз мумкин. Бу даврларда халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк шахсларни айнан ижод эркинлиги майдонга олиб чиққан. Учунчи Ренессанс пойдеворини яратишга интилаётган давлатимиз ҳам шу эзу мақсада ижод эркинлиги учун кенг шароитлар яратмоқда.

**Иккинчидан,** ижод эркинлиги — янги ғоялар ва хилма-хиллик манбаи. Ижод туркираган муҳитда яратувчанлик бўлади. Ижодкорлар том маънода жамиятга илгор фикрларни ташувчилардир.

**Учинчидан,** ижод қилиш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келармакдир. Яратган юқтирмаса, истеъдод бермаса, бирор асар яратиш, ҳатто ки ки мисра ёзиш қийин. Ижодкорлар ноёб, ҳос одамлар. Шундай экан, уларни жамиятнинг ўзига хос вакиллари сифатида ардоқлаш ва ҳурматини жойига қўйиш лозим.

**Тўртинчидан,** ижодни қўллаб-қувватлаш орқали жамиятни ҳаракатга келтириш мумкин. Одамлар ўз меҳнатига рағбатдан ҳаракатга келади, уйғонади ва янгиланган бўнад қилади. Ижод эркинлиги инсонини шахс сифатида шакллантиради.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ижод эркинлиги соҳасидаги ислоҳотлари кўп қиррали ва тизимли характерга эга. Улар аниқ мақсадларга таянган. Ҳуқуқий асослар, очиқлик сиёсати, давлат қўллаб-қувватлови, таълим ислоҳотлари ўзаро уйғун ҳолда ривожланмоқда. Бу жараёнлар натижасида жамиятда фикрлар хилма-



**Ҳозир!**

шоирасиз. Овозини эшитяпсизми? Сизнинг шеърларингизда шундай оҳанг бор, руҳ бор. Шарҳининг улугворлиги узоқдан яхши кўринади.

Ушунда Ҳалима опа “Раҳмат, Муҳаммаддон” деб кулиб қўйди. Лекин гапнинг эди. Биз, ёш ижодкорлар билан турардик — Муҳаммад Юсуфнинг бу лутфи аслида ўша кезлари норасмий тақрида юрган устоз шoirнинг кўнглини кўтариш учун атайин қилинган ҳаракат эди.

Кейинчалик ҳам даврада, ўзаро суҳбатларда

кўп бора гувоҳ бўлдик — устоз шoirнинг эзуқ йиллар чехраси ва қалби ёришмади... Ўзбекистон халқ шoirи Ҳалима Худойбердиева янги даврда — катта танаффусдан кейин норасмий тақридан халос бўлди. У 2017 йилда Президентимиз фармонида кўра “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди. Устоз ижодкор ўзи орзулаган кунларни, элу юртининг олдига юзи ёруғ бўлганини оз бўлса-да кўрди.

Бугун Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги, Андижон шаҳрида эса Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаблари фаолият юритмоқда. Бу ўқув даргоҳларида юзлаб янги истеъдод эгалари камолга етмоқда.

**II**

1999 йил сентябрида Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга қабул қилиндим. Оманди қарангки, бир вақтинг ўзида “Ўзбекистон овози” газетасида мусахҳиф бўлиб ишлаш бошладим. Тахририят машҳур “Матбуотчилар уйи”нинг 3-қаватида жойлашган эди. Шу қаватда яна бир “идора” — Ўзбекистон матбуот қўмитасининг махсус бошқармаси (адашмасам, УЗЛТ дейларди) иш юритарди. Вазирам тақозосига кўра газета нашрга тайёрланаётган кунлари шу “бошқарма”да кўп вақтим ўтарди. Тахририятда кўрилган саҳифаларни кетма-кетликда ўқиш учун шу “идора”нинг ходимларига олиб борар эдим. Улар ўқиб, руҳсат бергач, саҳифани олиб кетардим. Қандайдир тузатиш бўлса, ўшани тузатардик. Бу идора руҳсат бермаган мақола, шеър, ҳикоя, китоб, кўйингки, ҳеч нарса нашр этилмасди. Ҳатто шoirларнинг шеърларидаги мисралар, сўзлар, сарлавҳаларга ҳам эътирозлар билдириларди. Қайсидир сатри ўзгартirilгани учун жигибойрон бўлган шoirларни кўп кўрганман. Расм-

лар ҳам кучли назоратдан ўтказиларди. Бу ҳақиқий цензура органи эди. Ўша кезлари расман цензура йўқ дейилса-да, ёнгинамизда — қўшни хонада шундай назоратчи ходимлар ишларди.

Ўша хоналарда жуда кўп газета-журналларнинг бош муҳаррирларини — биз, талабалар учун ҳақиқий “кумир” бўлган устоз журналистларни асабий ҳолда учратганман. Улар одатда руҳсат берилмаган қайсидир мақола ёки тузатиш бўйича ўз фикрини билдириш, баҳслашиш учун келарди. Хуршид Дўстмуҳаммад, Аҳмаддон Мелибоев, Азим Султон, Сафар Остонаев, Исмаи Хушев каби устоз журналистларнинг “бошқарма” ходимлари билан баҳслашганига кўп гувоҳ бўлганман. Бундай бахслир ақсарият ҳолларда “идора” ходимларининг галабаси билан якунланарди. Чунки ўшунда уларнинг айтгани айтган эди.

Ҳозир бундай тузилмалар йўқ. Тахририятлар чинакамга мустақил. Ўзлари хоҳлаган мавзунинг ўзлари хоҳлагандек ёритмоқда. Уларнинг фаолиятига нисбатан ташқи босимлар ва асосис аралашувлар мавжуд эмас. Қонун доирасида ишлаётган журналист қонуннинг доимий ҳимоясиди.

**III**

Ўзбекининг истеъдодли шoirларидан бири Йўлдош Эшбек ҳам узоқ йиллар норасмий тақрида юрган. Китоблари анча вақт нашр этилмади, шеърлари матбуотда ҳам бошламди. Хорижаги чиқишига чеклов қўйилди. Ўша йилларда телевиденида ҳам чиқишлар қилмади.

Уч-тўрт йил олдин Ешлар ишлари агентлигида ўтказилган бир тадбирда устоз шoir ўша даврларни эслаб, кўзида ёш билан гапирди. “Уйда набирам билан овора бўлиб ўтирганимда телевидение экранидан ижодкор дўстларим кўришиб қолади. Шеър ўқийди ёки фикр билдиради. Шунда набираларимга мақтаниб, “Бу шoir менинг яқин дўстим бўлади. Бирга университетда ўқиганимиз. Бирга нашриётда ишлаганимиз”, дейман. Шунда набирам мендан сўрайди: “Бобо, сиз ҳам шoirмисиз? Унда сиз нега телевизорга чиқмайсиз?”. Нима дейишимни билмай, каловланиб қолам. Болага ёлгон гапириб бўлмайди-ку! Лекин унга ростини ҳам қандай айтаман?! Билсангиз, бу жуда оғир бурланган. Узоқ йиллар “Мен шoirман”, деб набираларимга баралла айта оладим. Ўқиб, ўқиниб яшадим. Ҳеч ким даврасига тақлиф қилмай қўйди. Бир замонлар бўлди: кўпчилик ижодкорлардан ўзини олиб қочди. Бу кунларни ҳеч бир ижодкор укамга тиламайман”, деганди ўшунда алам билан шoir.

Йўлдош Эшбек бугун эмин-эркин ижод қилмоқда. Жўшиб шеърлар ўқимоқда. Давраларда кўр тўкиб ўтирибди. Шoir интeрвюларидан бирида “XX аср мени тан олмади, лекин XXI асрга раҳмат!” дегани эътиборга молик.

Яқинда атоқли шoirимизга Президентимиз 3 хонали уй совға қилди. Даврларнинг фарқини кўряпсизми?!

**IV**

2016 йил ноябрь ойин эди. Куни эсимда йўқ, Зиёларга Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов билан видолашмиш

ва марҳумини сўнгги йўлга кузатиш учун йиғилган.

Ўша кунларда Президентликка сайловлар кечаётган ўта долзарб палла эди. Видолашув маросимида йиғилган кўпчилик тигиз давр бўлишига қарамай, Шавкат Мирзиёевнинг вақт толиб, шoirни сўнгги манзилга кузатишга келганини ва марҳум устоз шoirнинг майитини АҚШдан олиб келишга шахсан ўзи бош-қош бўлганини айттарди. Ижодкорлар давлатимиз раҳбари ҳақида бошқача саммият билан сўзлар, худди “инсон одами”дек қабул қиларди. Ҳарқалай мен ўша кунги суҳбатларда шунинг юракдан ҳис қилганман.

Таомилга кўра, дастлаб устоз шoirнинг уйига кириб, яқинларидан кўнгли сўраб, сабр тилаган бўлдик. Одам кўпчили учун уйдан то видолашув манзилигача йўлдан иккинчи-уч қатор бўлиб юриш лозим эди. Қарасам, ёнгинамизда буюк ҳофиз Шерали Жўраев юриб борипти. Ҳаммамиз каби гапта чўмган, кайфиятсиз ва чехраси сўлгин эди. Дарвозанинг рўпарасида давлатимиз раҳбари турган эди. Марҳумнинг хонадонидан чиқиб, “Дўрмон” ижод уйига қараб йўналдик. Меъдан олдинроққа буюк ҳофиз ҳорғин юриб борарди.

Чамаси 20 қадим юрганидан кейин Шерали Жўраев бирдан орқага — Президентимизга қаради. Бу умидвор нигоҳ кўз олдимда мангута муҳрланиб қолган. Аниқ эсимда — ҳофизнинг нигоҳида ёруғ кунлар келганидан умидворлик, ўзи кутган ёқимли хабарга энтикиш бор эди. Узоқ йиллик тақидан ҳориган, катта сахналарни соғинган ва муҳлислар олқишининг хумори тутган гапнинг нигоҳ эди у...

Ҳофиз ўзи куйлагандек, “Замон, замон, бизнинг замон, даврон бизники”, дейётгандек эди бу нигоҳлар...

Орадан бир оз муддат ўтиб, Шерали Жўраев катта сахнага қайтди. Ҳофиз 2018 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ва 2022 йилда эса “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди.

Ҳа, Шавкат Мирзиёевнинг Президентликка сайланиши жуда кўп инсонларга, ўз вақтида ҳар хил важлар билан норасмий тақиб қўйилган юзлаб истеъдод эгаларига умид ва ҳаёт бахш этгани рост. Бу умидлар тез рўбегачи қанди. 2017 йилдан кейинги даврда норасмий тақрида бўлган ва жамият эътиборидан четда қолган қанчадан-қанча шундай истеъдод эгалари сахналарга, телеэкранларга ва ижодга қайтди.

**\*\*\***

Булар — ўзим бевосита гувоҳ бўлган жараёнлар. Ушбу воқеликлар юртимизда ижод эркинлиги ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, “осмондан чалпақдек ёрилган” ҳодиса эмаслигини, бугунги кунларга аёвсиз курашлар билан етиб келганимизни ёрқинроқ ифодалайди.

**Жамиятни ўзгартирган ислоҳотлар**

Ўзбекистонда ижод эркинлиги учун яратилган шароитлар Президентимизнинг нафақат халқларвар сиёсати, балки шахсияти билан ҳам боғлиқ. Давлатимиз етакчиси маданият, санъат ва адабиётнинг чинакам муҳис эканини кўп бора таъкидлаган. У ҳали ҳудудларда ишлаган кезлардаёқ кўп хайрли

ишлари овоза бўлган. Масалан, Жиззах вилоятида ишлаган даврда — 1997 йили Зомин республика ёш ижодкорлар семинарига асос солган. Менга ҳам мана шу тарихий семинарда иштирок этиш бахти насиб этган. Ушунда Президентимизнинг устоз ижодкорлар билан самимий мулоқоти, адабиётга ва ижодга юксак меҳрига гувоҳ бўлганмиз.

Биргина шу семинар орқали юзлаб истеъдод эгалари кашф этилди ва катта адабиётчи қадам қўйди. Шунинг ўзиёқ ўзбек адабиёти тараққиётига қўшилган бемисл ҳиссадир!

2017 йилдан кейин Ўзбекистонда давлат бошқарувида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг энг муҳим хусусияти жамиятни очиш, давлат ва фуқаро ўртасида мулоқотни кучайтириш ва ижтимоий фикрга нисбатан муносабатни ўзгартриш бўлди. Бу сиёсат ижод эркинлигига бевосита таъсир қилди. Чунки жамоатчилик муҳокамалари кенгайди, ижодий имкониятлар орттиборди.

Мамлакатимиз етакчисининг 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувда кун тартибидига долзарб масалалар ва муаммолар очиб-ойдин муҳокама қилинди. Маданият, санъат ва адабиётни ривожлантиришга доир устувор вазифалар белгилаиб, ижодкорларни ҳам маънан, ҳам молиявий қўллаб-қувватлашга доир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Давлат ижод ва ижодкорлар учун доимий гапхўрликни, жамиятда ижод эркинлигини таъминлашни ўз зиммасига олди. Шу асосда янги Ўзбекистонда ижод эркинлиги учун — ёзувчилар, журналистлар, блогерлар, санъаткорлар ва мустақил тадқиқочилар фаолияти учун янги институционал ва ҳуқуқий муҳит шакллана бошлади.

2017 йилдан кейинги даврда маданий-маърифий соҳани ислоҳ қилиш, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий фикр эркинлигини кенгайтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қўрилди. Бу жараён “инсон қадри”, “очиқлик”, “адолатли жамият” ва “эркин фуқаролик муҳити” каби ғоялар билан узвий боғланди.

Ижодкорлар учун моддий ва институционал қўллаб-қувватлов ҳам муҳим. Шу мақсадда адабиёт, театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъат соҳаларида турли грантлар, танловлар ва ижодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ижодий ташкилотлар фаолиятига ҳар жиҳатдан кўмак берилмоқда. “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ижодга раҳмат” ва “Илҳом” жамоат ташкили ташкил этилиши айтиш шу соҳадagi вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилган.

Маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан куни кеча ўтказилган учрашувда ҳам бу борда янги ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, ҳар йили 100 нафар ёш давлат ҳисобидан хорижий маданият ва санъат муассасаларида таълим олишга юборилди. Ёш истеъдод эгаларини аниқлаш, продюсерлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ижодга инвестиция” жағмармаси ташкил этилиб, унга йилга 200 миллиард сўм ажратилди.

Ижод эркинлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири таълим ва интеллектуал муҳитни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар бўлди. Айтиш вақтда юртимиздаги 326 та мусиқа ва санъат, 29 та иختисослашган мактабда 95 минг ўғил-қиз таълим олмақда. Президент мактаблари, ижод мактаблари ва иختисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятининг кенгайиши мамлакатда мустақил фикрлайдиган, таҳлил қила оладиган ва ижодий ёндашувга эга янги интеллектуал авлодни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, ижод мактаблари орқали ёшларда бадиий тафаккур ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсад қилинди.

**\*\*\***

Янги Ўзбекистонда ижод эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар мамлакатнинг демократик тараққиёти ва маънавий юксалишида муҳим ўрин тутмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва маданий соҳани ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари муҳим омил бўлаётди.

Президентимиз бошқарувининг муҳим хусусияти шундаки, давлат сиёсатида инсон манфаати ва маънавий тараққиёт ўртасидаги уйғунликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Янги Ўзбекистон” ғояси фақат иқтисодий модернизация эмас, балки эркин фикрлайдиган, ижод қиладиган ва жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган шахсни шакллантириш концепцияси сифатида намоён бўлмоқда.

Ижод эркинлиги доимий равишда таъминлашунинг талаб қиладиган динамика жараён эканини эътиборга олсак, келгусида мазкур ислоҳотларнинг самардорлиги ҳуқуқий давлатчилик, фуқаролик жамияти ва интеллектуал муҳит ривожини билан янада мустаҳкамлашни шубҳасиз.

Нуқтаи назар

# ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Мулоҳаза

## ТАЪЛИМ ДИПЛОМАТИЯСИ

### ИККИ ДАВЛАТ АЛОҚАЛАРИДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Рақобат тобора технологиялар, муҳандислик ечимлари, малакали кадрлар ва меҳнат унумдорлиги соҳасига кўчмоқда. Демак, иқтисодиёт келажагини инсон капитали сифати, илм-фан даражаси, инновациялар ва профессионал тайёрлар билгилари.

Ўзбекистон учун Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мамлакат барқарор иқтисодий динамикани намоен этмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти 1849,7 триллион сўмини ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан 7,7 фоиз ўсди. Ташқи савдо айланмаси 81,2 миллиард АҚШ долларига етиб, 20,7 фоиз ошди. Экспорт ҳажми 33,8 миллиард доллар, импорт эса 47,4 миллиард долларни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар иқтисодиёт очкилиги ортиб бораётгани ва Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамда халқаро иқтисодий мақоладаги роли мустаҳкамланётганини ифодалайди.

Россия Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан бири бўлиб қолмоқда. 2025 йил якулига кўра, икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси қарийб 13 миллиард АҚШ долларига етди ва 8,5 фоиз ўсди. Ўзбекистоннинг Россияга экспорти таҳминан 4,3 миллиард долларни ташкил этиб, қарийб 20 фоиз ошди, Россиядан импорт эса 8,6 миллиард доллардан зиёд бўлди. Бирок ҳамкорликнинг янги босқичи оддий савдодан саноат кооперацияси, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, технологик шериклик ва кадрларни биргаликда тайёрлаш каби мураккаброқ шаклларга ўтишни талаб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг “Евроосиё технологик индустриаллашув камари”ни шакллантириш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Гап замонавий рақамли платформа орқали ўзаро боғланган ишлаб чиқариш ва технологик кластерларни яратиш ҳақида бормоқда. Бундай модел товар алмашинувидан биргаликда лойиҳалаш, технологияларни жорий этиш, муҳандислик хизматларини ривожлантириш, қўшилган қиймат яратиш ва миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини ошириш босқичига ўтиш имконини беради.

Ўзбекистон учун бу масала, айниқса, долзарб. Чунки мамлакатимиз сифат жиҳатидан янги индустриал ангаилиш босқичига кирмоқда. Бугун фақат иш ўринларини очиб эмас, балки уларнинг унумдорлиги, даромадлиги, расмийлиги ва технологик даражасини таъминлаш ҳам муҳим. Умуми иш билан бандлик инсонга барқарор даромад, ижтимоий ҳимоя, касбий ўсиш ва иқтисодиёт ривожига реал ҳисса қўиш имконини бериши лозим. Шу боис, инвестициявий ва саноат лойиҳаларини нафақат киритилаётган сармоя ҳажми, балки яратилаётган малакали иш ўринлари сони ва уларнинг инсон капиталига таъсири нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Муҳандислик, техник ва бошқарув кадрларини тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Замонавий саноат кооперацияси юқори технологиялар, рақамли тизимлар, автоматлаштириш, энергетика ускуналари ва илгор ишлаб чиқариш жараёнлари билан ишлаш оладиган мутахассисларсиз ривожлана олмайди. Шу жиҳатдан, Россия Федерацияси Президентининг йирик технологик вазифаларни амалга ошириш учун малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ва таълим

мактабларини ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги позицияси алоҳида аҳамиятга эга. Бугун юқори технологик энергетика ва муҳандислик тайёрлар билан боғлиқ йўналишларда Россия олий таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг қарийб 400 фуқароси тахсил олмақда, яна 300 нафардан ортиқ талаба Тошкент шаҳридаги “МИФИ” Миллий тадқиқот ядро университети филиалида таълим олмақда. Бу ҳолат гап фақат технологик ҳамкорлик ҳақида эмас, балки Ўзбекистон учун янги муҳандислик мактабини шакллантириш ҳақида бораётганини кўрсатади.

Президентимиз нутқида инсон капиталини ривожлантириш масаласи алоҳида ўрин эгаллади. Бу табиий ҳол. Чунки Ўзбекистон катта демографик салоҳиятга эга. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакат доимий аҳолиси 38 миллион 236 мингдан ошди. Аҳолининг ўртача ёши эса 29,5 ёшни ташкил этди. Бу улкан устунлик. У пухта ўйланган таълим ва кадрлар сиёсати юритишни талаб этади. Ёш аҳоли мамлакатнинг интеллектуал, профессионал ва унумли салоҳиятига айлантирилиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Россия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим йўналишлардан. 2024/2025 ўқув йили бошида Ўзбекистон олий таълим ташкилотларида 1 миллион 432 минг 810 талаба тахсил олган. Мамлакатда 222 та олий таълим муассасаси, жумладан, 30 та хорижий олий таълим муассасаси фаолият юритган. Россия университетлари ушбу тизимда муҳим ўрин тутди. Чунки улар муҳандислик, иқтисодиёт, техника, тиббиёт, педагогика, энергетика ва бошқарув йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрламоқда.

Бу тизимда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент



XXI аср инфратузилмасига нафақат йўллар, электр тармоқлари ва транспорт узеллари, балки электрон савдо, маркетинглар, тўлов сервислари, рақамли логистика, онлайн таълим, сунъий интеллект ва иш билан бандликнинг рақамли профилилари ҳам кирди. Ушбу воситалар янги иш ўринларини очиб, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва кичик бизнеснинг ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашади.

Ўзбекистонда аллақондан бери кўрсаткичлар ўсиши кузатилмақда. 2026 йил январь-март ойларида АТ парк иштирокчилари

иштирок этиш қиради. Айниқса, сунъий интеллект, меҳнат иқтисодиёти, энергетика, молиявий технологиялар, саноат муҳандислиги, логистика, агротехнологиялар, демография ва инсон капиталини бошқариш йўналишлари истиқболли ҳисобланади.

Худудлараро ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон учун бу вилоятларнинг Россия минтақалари билан саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, тиббиёт, қурилиш, тўқимачилик саноати ва хизматлар соҳасида тўғридан тўғри алоқаларни ривожлантириш имконини беради. Бундай алоқалар жойларда янги иш ўринларини очиб, аҳоли даромадини ошириш ва худудий тафовутларни қисқартириш учун муҳим.

Таърифнинг маданий-гуманитар жиҳати ҳам эътиборга лойиқ. Санкт-Петербургда ва Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодиёт, балки тарих, маданият, илм-фан, хотира ва инсонлар тақдирини ҳам боғлаб туради. Оғир синовли йилларда Тошкент эвакуация қилинганлар, илм-фан ва маданият вакиллари, аёллар ва болалар учун меҳр-шафқат ва қўллаб-қувватлов шахрига айланган. Ана шу тарихий хотира бутунги муносабатлар учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

“Самарқанддан Петербургга” креатив-туристик коридорини ривожлантириш тақдирини тақдир қилиб, Санкт-Петербургда ва Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодиёт, балки тарих, маданият, илм-фан, хотира ва инсонлар тақдирини ҳам боғлаб туради. Оғир синовли йилларда Тошкент эвакуация қилинганлар, илм-фан ва маданият вакиллари, аёллар ва болалар учун меҳр-шафқат ва қўллаб-қувватлов шахрига айланган. Ана шу тарихий хотира бутунги муносабатлар учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Россия алоқалари аънавий иқтисодий доирадан чиқиб, кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бугун икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 13 миллиард долларга етган бўлса, қўша инвестиция лойиҳалари портфели 50 миллиард доллардан ошган. Шунингдек, худудлараро ҳамкорлик доирасидаги лойиҳалар қиймати 10 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Бу рақамлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини кўрсатиш баробарида мазкур жараёни таъминлайдиган юқори малакали кадрларга эҳтиёжни ҳам яққол намоен этади. Айнан шу нуқтаи назардан, таълим дипломатияси иқтисодий шерикликнинг интеллектуал таянчи сифатида майдонга чиқмоқда.

Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган 32 та хорижий олий таълим муассасасининг қарийб ярми Россиянинг нуфузли университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилган. Жумладан, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, МИСиС миллий технологик университети, МЭИ миллий тадқиқот университети ва бошқа қатор етакчи олийгоҳлар филиаллари мамлакатимизда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур филиаллар фаолият нафақат замонавий билим бериш, балки илгор таълим стандартлари, инновацион ёндашувлар ва илмий тадқиқотларни миллий таълим тизимига жорий қилиш имконини бermoқда. Айниқса, муҳандислик, энергетика, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, сунъий интеллект ва саноат соҳалари учун кадрлар тайёрлашда ушбу ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

### Акбархон СОБИРХОНОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг Креатив лойиҳалар ва муҳандисликни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси

Таълим дипломатияси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг таъсирчан ва узоқ муддатли механизмидир. Шунингдек, мамлакатларини нафақат иқтисодий, балки интеллектуал жиҳатдан ҳам яқинлаштиради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларда таълим дипломатияси стратегик шерикликнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётган.

Президентимизнинг Петербург халқаро иқтисодий форумидаги иштироки ва илгари сурган ташаббуслари икки мамлакат муносабатларининг янги босқичга кўтарилганини яна бир бор намоен қилди. Давлатимиз раҳбари бугун иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери инсон капитали эканини таъкидлади. Зеро, замонавий дунёда иқтисодий қудрат, аввало, юқори малакали мутахассислар, рақобатбардош таълим тизими ва илмий инновациялар билан белгиланади.

Ўзбекистон ва Россия алоқалари аънавий иқтисодий доирадан чиқиб, кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бугун икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 13 миллиард долларга етган бўлса, қўша инвестиция лойиҳалари портфели 50 миллиард доллардан ошган. Шунингдек, худудлараро ҳамкорлик доирасидаги лойиҳалар қиймати 10 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Бу рақамлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини кўрсатиш баробарида мазкур жараёни таъминлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур филиаллар фаолият нафақат замонавий билим бериш, балки илгор таълим стандартлари, инновацион ёндашувлар ва илмий тадқиқотларни миллий таълим тизимига жорий қилиш имконини бermoқда. Айниқса, муҳандислик, энергетика, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, сунъий интеллект ва саноат соҳалари учун кадрлар тайёрлашда ушбу ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Петербург форумида илгари сурилган “Евроосиё технологик индустриаллашув камари” ташаббуси ҳам таълим дипломатиясининг аҳамиятини янада оширмоқда. Чунки мазкур лойиҳанинг муваффақияти, биринчи навбатда, юқори малакали муҳандислар, технологлар, дастурчилар ва тадқиқотчиларни тайёрлаш билан боғлиқ. Тадқиқотдан тортиб, тайёр маҳсулотни ташқи бозорларга

чиқаришга бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш учун янги авлод мутахассислари зарур. Шу боис, бугун икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасида қўша таълим дастурлари, икки дипломли таълим тизимлари ва академик мобиллик дастурлари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонлик талабалар Россиянинг етакчи университетларида тахсил олиш имкониятига эга. Россиялик профессор-ўқитувчилар эса мамлакатимиз олийгоҳларида таълим жараёнларида иштирок этмоқда. Бу эса билимлар алмашинуви кучайтириш ва таълим сифатини оширади.

Бугун Ўзбекистон ва Россия олимлари иштирокида сунъий интеллект, рақамли технологиялар, энергетика, тиббиёт, биотехнология, экология ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қатор қўша тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ушбу ҳамкорлик илмий натижаларни тижоратлаштириш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш учун мустаҳкам асос бўлади.

Форумнинг муҳим натижаларидан бири сифатида Президентимиз тақлиф этган инсон капиталини ривожлантириш қўша онлайн-платформаси ташаббусини ҳам қайд этиш лозим. Мазкур платформа таълим муассасалари, иш бериувчилар ва ёш мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади. Ёш муҳими, у меҳнат бозори талабларини таҳлил қилиш, замонавий касб ва компетенцияларни шакллантириш ҳамда таълим мазмунини иқтисодиёт эҳтиёжларига мувофиқлаштириш имконини яратди.

Ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати меҳнат миграциясининг сифат кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ. Агар илгари меҳнат миграцияси асосан жисмоний меҳнат ресурслари ҳаракати билан тавсифланган бўлса, мазкур платформа юқори малакали муҳандислар, дастурчилар, тадқиқотчилар ва технологларнинг халқаро меҳнат бозорига рақобатбардошлигини оширади.

Шунингдек, рақамли иқтисодиёт шароитида платформа масофавий бандлик имкониятини кенгайтиришда кўл келади. Бу эса келусида интеллектуал хизматлар экспорти, жумладан, АТ хизматлари, рақамли консалтинг, муҳандислик ечимлари ва илмий тадқиқотлар экспортини кўпайтириш учун жуда муҳим.

Кейинги йилларда Россия рақамли платформалар орқали миллий маҳсулотлар савдоси ҳажми 1,5 миллиард доллардан ошиб, 3,5 баробар ўсгани соҳадаги ҳамкорлик имкониятлари нақадар юқори эканини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, қўша рақамли таълим платформалари, онлайн курслар, виртуал лабораториялар ва сунъий интеллект асосидаги таълим технологияларини жорий қилиш истиқболли йўналишлардан.

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этаётгани мамлакатнинг улкан демографик салоҳиятини намоен этади. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун таълим сифатини ошириш, ёшларни халқаро даражада рақобатбардош мутахассислар этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Россия билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш, креатив иқтисодиёт улушини сезиларли даражада кенгайтириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш вазифалари белгиланган. Табиийки, ушбу мақсадларга эришиш юқори малакали мутахассислар, замонавий илмий мактаблар ва рақобатбардош таълим тизимисиз мумкин эмас. Шу сабабли Ўзбекистон — Россия таълим ҳамкорлиги бугун ва келажак тараққиёти учун ҳам муҳим. Шу маънода, икки мамлакатнинг таълим дипломатияси оддий гуманитар ҳамкорлик эмас, балки иқтисодий, технологик ва инновацион тараққиётнинг муҳим омилга айланмоқда. Университетлар ҳамкорлиги, қўша муҳандислик мактаблари, илмий тадқиқотлар, рақамли таълим платформалари, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар ва ёшлар алмашинуви дастурлари икки мамлакат стратегик шериклигининг мустаҳкам пойдеворидир. Ёш муҳими, мазкур ҳамкорлик билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш, юқори технологияли тармоқларни ривожлантириш ва Евроосиё маконида барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим шарти.

Инновацион ўсиш модели

УНИВЕРСАЛ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМ

“5Т” тамойилининг моҳияти нимада?



Соҳибжон ТОПИЛДИЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳозир олий таълим тизимида “5Т” ибораси кўп қўлланилмоқда. Бу нимани аниқлатади? Президентимизнинг 2026 йил 10 апрелдаги “Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қўлланилган мазкур иборага олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берувчи омил сифатида қаралмоқда. Чунки у “5Т — таълим, тарбия, тадқиқот, тижоратлаштириш ва тизимли такомиллаштириш” модели асосида ривожлантиришни стратегик устувор вазифа сифатида белгилаб, олий таълим ташкилотлари фаолиятига янги концептуал ёндашувни жорий этди.

Мазкур моделнинг асосий моҳияти олий таълим тизимини фақат ўқув жараёни доирасида эмас, балки шахс камолоти, илмий салоҳият, иқтисодий самарадорлик ва бошқарувнинг комплекс интеграцияси асосида ривожлантиришдан иборатдир. Ушбу ёндашув университетларни классик таълим муассасасидан кўра кенгроқ — илм-фан, инновация, иқтисодиёт ва жамият интеграциясини таъминловчи кўп функцияли стратегик институтга айлантиришни назарда tutади. Натижада олий таълим ташкилотлари таълимдан ташқари янги билимлар яратувчи, ижтимоий кадриятлар шакллантирувчи ва иқтисодий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатувчи субъект сифатида шаклланади.

“5Т” модели олий таълим ташкилотларини ривожлантиришнинг универсал институционал механизми бўлиб, у таълим сифати, тарбиявий самарадорлик, илмий фаолият, инновацион иқтисодиёт ва бошқарув тизимини ягона стратегик платформага бириктиради. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим ташкилотларининг академик мустақиллиги, ташкилий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини кучайтиришга хизмат қилади. Мазкур моделнинг концептуал устулиги шуандаки, унда олий таълим сифати кўп омилли тизим сифатида талқин қилинади. Натижадорлик илмий маҳсулдорлик, инновацион фаолият, маънавий-тарбиявий самарадорлик ҳамда бошқарув сифати билан ҳам белгиланади.

Бу моделнинг биринчи ва фундаментал компоненти бўлган таълим (таълим сифати ва академик ривожланиш) олий таълим ташкилотлари фаолиятининг асосий негизини ташкил этади. Таълим замонвий жамиятда инсон капиталини шакллантирувчи, иқтисодий тараққиётнинг интеллектуал базасини яратувчи ва ижтимоий модернизацияни таъминловчи устувор омил сифатида эътироф этилади. Илмий нуқтан назардан, таълим жараёни шахснинг касбий компетенциялари, тахлийли тафаккури, креатив салоҳияти ва моллашуванчилигини ривожлантиришга қаратилган кўп босқичли тизимдир. Шу маънода, олий таълим ташкилотларида сифатли




таълимни таъминлаш ўқув дастурларининг халқаро стандартларга мослиги, кредит-модуль тизими самарадорлиги, академик мобиллик, дуал таълим, масофавий таълим технологиялари, индивидуал таълим траекторияси ва натижага йўналтирилган баҳолаш механизмларини жорий этиш билан бевосита боғлиқ. Замонавий педагогика нуқтан назардан, “student-centered education”, яъни талабага йўналтирилган таълим модели “5Т”нинг таълим компоненти марказида туради. Бунда талабаларга пассив билим олуви эмас, балки билим яратиш жараёнининг фаол субъекти сифатида қаралади. Натижада олий таълим сифати назарий билимдан амалий компетенцияга, стандарт ўқитишдан индивидуал ривожланишга трансформацияланади.

Тарбия олий таълим тизимининг маънавий, ахлоқий ва ижтимоий йўналишини белгилайди. Тарбия тушунчаси илмий-педагогик жиҳатдан шахснинг ижтимоийлашуви, маънавий баркамоллиги, кадриятлар тизими ва фуқаролик позициясини шакллантириш жараёни сифатида талқин қилинади. Замонавий глобаллашув шароитида олий таълим

муассасалари олдида нафақат малакали мутахассис, балки юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, ватанпарвар ва ижтимоий масъулиятли шахсини шакллантириш вазифаси туради. Шу боис, “тарбия” компоненти талабаларда миллий ўзликини англаш, тарихий хотира, ҳуқуқий маданият, коррупцияга қарши иммунитет, мафқуравий барқарорлик ва глобал фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришни назарда tutади. Тарбия жараёнининг институционал асосида йўлга қўйилиши эса университетларни маънавий-интеллектуал маконга айлантиради.

Замонавий университет модели илмий тадқиқотларсиз тўлақонли ривожлана олмайди. Чунки илм-фан олий таълим сифатининг энг муҳим индикаторларидан биридир. Тадқиқот профессор-ўқитувчилар ва талабалар илмий фаолиятини ошириш, фундамен-тал ҳамда амалий тадқиқотларни ривожлантириш, илмий лабораториялар ташкил этиш, халқаро грантлар жалб қилиш, докторантура тизимини кучайтириш, илмий кластерлар яратиш ҳамда университет — фан — ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали



амалга оширилади. Жаҳон таърибисидида бу университетларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтан назардан, фармонда илмий кластерлар ва инновацион марказлар ташкил этишга алоҳида урғу берилиши Ўзбекистон олий таълим тизимини илм-фанга асосланган тараққиёт моделига ўтказишдан далолат беради. Тадқиқот фаолиятининг ривожланиши таълим сифатида ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, ўқув жараёнининг илмийлик даражасини оширади.

Илмий билимларнинг иқтисодий қийматга айланиши бутунги билимлар иқтисодиёти шароитида олий ўқув юртлири фаолиятининг муҳим кўрсаткичига айланмоқда. Тижоратлаштириш илмий ишланмалар, стартаплар, технологияларнинг патентлар ва инновацион маҳсулотларни бозорга чиқариш орқали университетларнинг молиявий мустақиллиги ва иқтисодий фаолиятини оширади. Бу жараён технопарклар, бизнес инкубаторлар, акселераторлар, венчур инвестициялар ва технологиялар трансфери механизмлари орқали кечади. Тижоратлаштириш ўқув даргоҳини назарий билим ишлаб чиқарувчидан инновацион маҳсулот яратувчи иқтисодий субъектга айлантиради. Шу орқали олий таълим ташкилотлари

мамлакат инновацион экотизимининг фаол иштирокчисига айланади. Мазкур йўналиш илм-фан натижаларининг реал сектор билан интеграциясини кучайтириб, иқтисодий самарадорликни оширади.

Ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти самарали бошқарув, мониторинг ва стратегик режалаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Тизимли такомиллаштириш олий таълимда сифат менежменти, институционал аудит, КРП индикаторлари, халқаро аккредитация, рақамли бошқарув ҳамда академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик механизмларини ривожлантиришни назарда tutади. Унинг асосий вазифаси олий таълим ташкилотлари фаолиятини узулксиз мониторинг қилиш, самарадорликни баҳолаш ва ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашдир. Тизимли ёндашув орқали университет бошқаруви замонавий корпоратив бошқарув стандартларига яқинлашади. Натижада олий таълим тизимида шаффоқлик, жавобгарлик, моллашуванлик ва стратегик барқарорлик кучаяди.

“5Т” модели ўз моҳиятига кўра олий таълим тизимини модернизация қилишнинг комплекс стратегик модели бўлиб, унда таълим билим ва компетенцияни, тарбия маънавий-ахлоқий баркамоллигини, тадқиқот илмий салоҳиятини, тижоратлаштириш инновацион иқтисодий натижадорлигини, тизимли такомиллаштириш эса институционал самарадорликни таъминлайди. Мазкур компонентларнинг ўзаро уйғунлиги олий таълим ташкилотларини халқаро рақиббардош, илмий-интеллектуал ва инновацион марказларга айлантиришга хизмат қилади. Айнан шу жиҳатдан “5Т” модели янги Ўзбекистон олий таълим сиёсатининг методологик асоси сифатида нафақат таълим сифатини ошириш, балки мамлакатнинг узоқ муддатли интеллектуал ва инновацион тараққиётини таъминлашнинг устувор стратегик механизми ҳисобланади.

САНЪАТ ИНСОН ҚАЛБИНИНГ ТАРБИЯЧИСИДИР

Ҳинд шоири ва мутафаккири Рабиндранат Тагорнинг “Инсон ўз қалбини бойитмас экан, дунёни бойита олмайди”, деган ҳикматли сўзлари орадан неча йиллар ўтган бўлса-да, ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Инсон қалби маърифат, эзгулик, меҳр-оқибат ва маънавий бойликлар билан тўлмаса, у атрофидаги оламга ҳам яхшилик ва нур улаша олмайди. Қалби бой инсоннинг сўзида ҳикмат, амалида барака, муносабатда меҳр ва инсонийлик намоён бўлади. Ана шундай инсонларгина жамият тараққиётига ҳисса қўшиб, маънавият ва маданият ривожига хизмат қиладилар. Шу маънода, Президентимизнинг адабиёт, маданият ва санъат вақиллари билан учрашуви халқимиз маънавий тараққиёти учун муҳим тарихий аҳамият касб этади.



Мунира РАМАЗОНОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

учун кенг имкониятлар яратиш, маданият ва санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифалар белги-ланган. Айниқса, умумтаълим мактабларида мусика, тасвирий санъат ва технологиялар фанларини янги “ART” дастури асосида ўқитиш ташаббуси таълим тизимидида муҳим янгилик сифатида эътиборга молик.

Ушбу фармон менинг ҳам кўп йиллик илмий изланишларим билан ҳамоҳанг эканидан қувондим. Бир неча йил давомида артпедагогик технологиялар воситасида ўқитишнинг маънавий-эстетик тарбиялаш мавзусида илмий тадқиқот қилдим. Тадқиқот жараёнида Тошкент, Бухоро ва Наманган шаҳарларидаги қатор мактабларда таъриба-синов ишларини амалга ошириб, санъатнинг ўқитиш тарбиясидаги таъсирини чуқур ўргандим. Айниқса, буюк му-савивлар ижоди билан танишиш, тасвирий санъат асарларини таҳлил қилиш ва улар орқали инсонпарварлик, меҳр-оқибат, Ва-танга муҳаббат, табиатга эҳтиром каби фан-затларни шакллантириш ёшлар онгига жуда тез ва самарали таъсир кўрсатишини кузат-дим. Шу асосда артпедагогик модел ишлаб чиқилди. Унинг мазмун-моҳияти Шарк ва Гарб алломуларининг таълим-тарбия ҳақи-даги қарашлари, замонавий артпедагогика ва арттерапия соҳасидаги илмий ёндашувлар ҳамда миллий кадриятларимиз уйғунлиги-га асосланади. Мазкур модел 12-14 ёшли ўқирларда маънавий-ахлоқий фазилатлар-ни шакллантиришда санъатдан самарали фойдаланишни имконини беради. Боланинг

Муносабат

ҳаётига синчковлик билан назар ташласак, у ҳали ҳарфларни танмасдан, сўзларни ўқини билмасдан турибқ ўз ички олами-ни фойда этишга интилади. Қўлига қалам олган захотиёқ қоғозда турли чизгилар, шакллар ва ранглар орқали тасаввурларини акс этти-ришга ҳаракат қилади. Бу эса инсон қалбида-ги ижодкорлик ҳисси туғма неъмат эканидан далолат.

Бежиз халқимиз “Боланг тошбағир бўл-масин десанг, унинг қўлига дутор тут”, деб айтмаган. Зеро, мусиқа, санъат ва адабиёт инсон қалбини юмшатади, унда меҳр-шафқат, нафосат ва эзгулик туйғуларини камол топтиради. Санъат билан ошно бў-либ улғайган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. У ҳаётнинг гўзалликларини те-ранроқ ҳис этади, атрофидиларга меҳр ва ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Боланинг маънавий камолотига қара-тилган ҳар бир эътибор келажакка қўйил-ган мустаҳкам сармоядир. Уларни санъат, адабиёт ва мусиқага ошно этиш орқали биз нафақат истеъдодли авлодни, балки юксак маънавиятли, меҳрибон ва ватанпарвар ин-сонларни ҳам тарбиялаймиз. Чунки қалби гўзал инсонлар кўп бўлган жамиятнинг кел-ажати порлоқ ва барқарор бўлади.

Мамлакатимизнинг маънавияти қай да-ражада ривож топса, халқнинг дунё миқёси-даги обрў-эътибори шуңча юксалади, унинг сўзи ва садоси жаҳон майдонига тиниқ ва таъсирчан янрайди. Шу боис, маданият ва санъатга эътибор нафақат маънавий та-раққиёт, балки миллатнинг келажакдаги ну-фузи ва барқарорлигига қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Фармонга мувофиқ, театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва мил-лий чолғу санъати, тасвирий ва амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этилиши соҳа тараққи-ёти учун муҳим қадам бўлади. Зеро, истеъ-додли ёшларни маҳаллалардан кашф этиш, иқтидорини рўёбга чиқариш ва маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган му-тлақо янги тизим йўлга қўйилмоқда. Энди биз, ижодкорлар, олимлар ва педагоглар би-рлашиб ҳаракат қилсак, янги Ўзбекистонинг маънавий пойдевори янада мустаҳкамла-нади. Модомики, Ватанга муҳаббатли, миллий кадриятларга содиқ, замонавий билим ва креатив тафаккурга эга ёш авлодни тарбия-лашда санъатнинг ўрни беқиёс экан, биз, ижодкорлар олдимизга қўйилган вазифалар-ни бажариш учун бетиним меҳнат қилиши-миз зарур. Зеро, санъат инсон қалбини тар-биялайди, уни эзгуликка чорлайди.

Давлатимиз раҳбари 1 июнь куни адабиёт, маданият ва санъат соҳаси ходимлари билан ўтказган учрашувнинг якунига қадар барча иштинроқчилик каби тўлқинлиб ўтирдим. Зотан, мамлакат ривож, халқнинг маънавий эҳтиёжи адабиёт, ижод билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз мазкур мулоқотдан мақсад соҳадаги муаммоларга ечим топиш ҳамда адабиёт, маданият, санъат ва креатив иқтисодиётда янги муҳит яратилган катта ташаббусларни бошлаб бериш эканини таъкидлади. Айни пайтда мазкур учрашув давомида ушбу соҳалар янада ривожланиши, кадр топиши учун кўплаб имтиёзлар берилиши маълум қилинди.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ШУҚУҲИ



Жумладан, адабиёт соҳасида юқори даражада эътироф этилган бадиий асарлар муаллифлари, ижод маҳсули театр ва кинода сахналантирил-ган, шеърлари қўшиққа айланган шоир, ёзувчи ва драматурглар меҳнати муносиб қадр топа-диган бўлди. Бундай юксак эътирофга сазовор муаллифларга йил давомида ҳар ойда 5 миллион сўмдан қалам ҳақи берилади, Ўзбекистон бўйлаб сўмолет, поез ва жамоат транспортдан бепул фойдаланиши. Иختисослашган тиббиёт марказ-ларида даволашни харажати тўлиқ бюджет ҳисо-бидан қопланади. Қолаверса, уларнинг маҳорат мактаби ва ижод уйлари ташкил этилади.

Учрашувда адабиёт соҳаси вақиллари учун муносиб ижодий муҳит, шароит яратиш ва раг-батлантириш бўйича янги имкониятлар тақдим этилди. Энди иқтидорли ижодкорларга йилга камидан 50 та энг сара асар учун бюрторма бериш аънаъси йўлга қўйилди. Ҳар йили Ўзбек ада-биётининг энг яхши 10 та асарни хоржий тил-ларга таржима қилинади ва муаллифлар ишти-рокида чет элларда тақдими ўтказилади. Албатта яхши асар ёшиш осон эмас. Айни пайтда уни нашр этиш моддий харажат сабаб қатта муаммага айланган эди. Бундан бунён Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида чоп этиладиган китобларнинг қоғоз билан боғлиқ харажати ҳукумат қоплаб бериши давлати-ми раҳбарининг тегишли қарори билан мус-таҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга, кўплаб энг сара лойиҳалар давлат ҳисобидан молия-лаштирилади.

Ҳар бир инсон ҳаётида уй-жой энг муҳим омиллардан. Шу боис, бу муҳим масала ҳам эътибордан четда қолмади. Энди ҳар йили 1000 нафар шоир ва ёзувчи, маданият ва санъат вақиллари, музей ходими ва расмоларга уй-жой олиш учун ипотека кредити дастлабки тўловининг 50 фоизи қоплаб берилади. Ижод-дий ташкилотлар, маданият ва санъат муассас-асаларига бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган соҳа вақиллари ҳам кўп. Масалан, Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлимида Сўх туманидан келиб, ишлаётган ижодкорлар бор. Мушонинг ярмини ижара учун сарфлаб, ўйла-ниб юрганлар оз эмас. Шўқрки, энди уларнинг уй-жой ижараси харажати ҳам қоплаб берила-ди.

Ҳар йили фаолиятида яхши натижага эриш-ган 1000 нафар атрофида соҳа ходими давлат тиббий сугурта жағмармаси ҳисобидан бепул доволанади. Яна 2000 ижодкорга давлат томо-нидан тиббий сугурта пакети тақдим этилади. Соҳа бўйича камидан 10 йил ишлаган ходимлар-га санаторийга бепул йўлланма берилади. Ай-нан шу йўлланма бериш тартиби жорий этил-ганини эшитиб, узоқ йиллар миллат адабиёти ва маданияти ривожига йўлда заҳмат чеккан устозларнинг қўли дуога очилди, ёшларнинг ғайрати жўш урди. Энди аэропорт, вокзал, метро, парк, йи-рик савдо-сервис объектлари, кафе ва рес-торанларда миллий куй-қўшиқларимиз янграй-ди. Юртимиз остонасидан кираётган ҳар бир



Дилшода ЭРГАШЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари

меҳмон миллий куй ва она тилимиз таранну-мидан баҳра олиб, кадриятларимизга қизқиши ва ҳурмати янада ошди, албатта.

— Жамиятимиз тараққиётда жуда муҳим бўлган бир масалага эътиборингизни қаратмоқ-чиман. Бъазан бизда миллий руҳ этишмагандай бўляпти. Саҳна асарлари бор, лекин кучли таъси-ри йўқ. Қўшиқда овоз бор, лекин халқнинг ўткир нафаси сезилмапти. Кинода ҳаракат бор, лекин халқнинг дарди, ғурури ва характери кўрина-япти. Бъзи асарларда шакл бор, лекин катта ғоя йўқ. Миллий ўзлигимиз ва руҳиятимизни ифода-лаш учун ижод ва санъатдан таъсирлироқ ва куч-лироқ востига йўқ, десам фикримга қўшилмасиз-лар. Шу боис, бизга миллий руҳни уйғотадиган санъат керак, одамнинг ўзини англашга ундайдиган театр керак, — деди Президентимиз.

Бу гаплар, давлаткор сўзлар халқимиз кўн-лида Ватанга муҳаббат, миллатга садоқат руҳини уйғотадиган, катта-катта ислохотларни одамлар-га етказиб берадиган қасида, қўшиқ ва романлар, спектакль ва фильмлар яратадиган ижодкорлар-нинг кўнгли уммоний уйғотди. Шу боис, ҳар йили мазкур йўналишда танловлар ўтказиб бо-рилади. Гран-при соҳибларининг ижодини янада қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратилади. Учрашув том аҳолида тарихий аҳамият-га эга бўлди. Ижод маданияти қўллаш, соҳадаги муаммоларни ечимига оид ҳар бир масалага алоҳида ёндашилди. Энди ёздадиган, ёздадиган ҳам ёниб, сўзни байроқ, қаламини машъала қи-либ ёздадиган пайт келди. Инсоният ўзи севган, дилидагини китобидан топан ижодкорга эрга-шади. Утмишни гапиртирсак, ватандошлари-миз қанчадан-қанча улуг адибларнинг сўзини кўнлига тумор, ёганини ҳаётига шоир қилган. Шундай юксак эътибор, дориламон кўнлардан илҳом олиб, биз — ижод аҳли белни янада маҳкам боғлаб, оқаётган дарёлар мавжи, шид-датини бутун асарларимиз билан дунёга кўрса-тиш, юрдошларимизга янги, яхши китоблари-миз билан юзланиш фурсати келди.



фақат яхшилик яшайди", деган сўзни кўп бор эшитганмиз. Илоҳим, ҳаёт йўлларимиз маърифат нурулари ила янада чарогон бўлиб бораверсин!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Дунёларнинг олдиди Тили қисқик жойим йўқ, Шу тупроғим бўлмаса, Кўёшим йўқ, ойим йўқ, Тинчлик деса, "хўп" дедим Акси учун доим "йўқ", Бор бўлса ҳам заковат Жанги Ўзбекистонда, Қарор топгай адолат Янги Ўзбекистонда!

Мен сўз айтсам ўтмишим, Бугуним ё эртмандан, Болам қўлимдан тутар, Аждодларим елқамдан, Бу жангир узилмағай Бобомерос ўлкамдан, Темурийлар тулпорин Чанги Ўзбекистонда, Камол топар шунқорим Янги Ўзбекистонда!

Йймон, инсоф, диёнат — Сўзин танир ўзбекман, Аввал Ҳақни ва яна Ўзин танир ўзбекман, Ҳар манзилда ҳамиша Эзгуликдан сўз дебман, Турғомда Ҳумо куши Мангу Ўзбекистонда, Бахтиёрдир ҳар киши Янги Ўзбекистонда!

Яхшилик элчисига Мудом бағри кенг бу юрт, Таровату чиройда Жаннатларга тенг бу юрт, Юртпарвар юрак учун Ўзбекистонда, Байрогимнинг мазмундор Ранги Ўзбекистонда, Ҳар манзара мафтунқор Янги Ўзбекистонда!

Тупроғимга ярашган Баҳорларим бор менинг, Дуолардан ёришган Саҳарларим бор менинг, Оламнинг меҳри тушган Шаҳарларим бор менинг — Бухорою Самарқанд Донги Ўзбекистонда, Ўтмиш янгиланаркан Янги Ўзбекистонда!

Нурли кунлар нафаси Қўйланмоққа муносиб, Эзгу гоя зақоси Сийланмоққа муносиб, Қалб кўзимиз зиёиси Уйғонмоққа муносиб, Маънавият машъали Ёнди Ўзбекистонда, Янги ҳаёт бошланур Янги Ўзбекистонда!

БУ ЮРТДА КИТОБГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛГАЙ!

Эзгу ташаббус



Ориф ТҶХТАШ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Улуғвор мақсадлар сари

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт берилди. Бу тадбир юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, мактаблар, оилалар ва бутун жамиятда китобхонлик муҳитини кучайтиришга, ёшлар қалбида янги бунёдкорлик руҳини уйғотишга хизмат қилади, албатта.

Президентимизнинг "Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиб мусобақаси эмас, балки эжазонан Ватанимиз келажаги учун стратегияни ушбу умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этишга мақсудланган" деган эътирофи ҳар бир юртпарвар юракни тўлқинлантирган роҳат.

Жорий йил 3 июнь кунини мазкур умуммиллий ҳаракатни Самарқанд вилояти бошлаб берди. Китобхонлик фестивали кўҳна Самарқанд шаҳрида эмас, балки қадимийликда у билан тендош деб эътироф этиладиган Иштихонда бошланди.

"Икки дарё ювар кокилин..."

Она юрт ҳақида чиройли ташбеҳлар ахтариб турганимда ҳаёлимга атоқли шоиришим Ҳамид Олимжоннинг ушбу машҳур мисралари келди:

Ухшиш йўқ бу гўзал бўстон, Дастонларда битган султон — Ўзбекистон деса атапур, Уни севиб эл тилга олур, Чиройлидир сўё ёш келин, Икки дарё ювар кокилин...

Ўзбекистон замини кўплаб манбаларда Мовароуннахр, яъни икки дарё — Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган тарихий-географик минтақа сифатида тилга олинади. Иштихон эса қадимда Миёноқ номи билан машҳур бўлиб, Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарё тармақлари оралиғида жойлашган. Мен Иштихон заминини "Ватан ичра мўъжаз Ватаним!" дея ардоқлаб, мазкур мисраларни баралла айтгим келди:

Кучоингни қувонча Тўндирсам шавқим билан, Амуза Сир сўласам Зарафшон завқим билан, Кучоингда барқ урар Обод турмуш, гул ҳаёт, Сен юксалиб борурсан Бунёкор халқим билан!

Ҳа, бугун Иштихон рostaкамга замона мос равишда кўркам қиёфа касб этиб бормоқда! Китобхонлик фестивали ҳам Иштихон шаҳрининг нақ юраги бўлмиш Устозлар хиёбонига узуққа кўздеқ ярашиб тушган китоб монументини очиб билан бошланди. Бир қарашда китобнинг тинч саҳифаларини муносиб гавдалантира олган оппоқ тош ҳам бу заминга бегона эмас. Улкан китобнинг жуассаси шу яқин орадаги Оқтов тизмаларидаги оқ рангли мрамр кони карьерларида тошлардан тарошланган.

"Китобдан миннатдорман"

Машҳур ижодкорлардан бири "Мен ўзимдаги барча яхши фазилат ва хислатлар учун китобдан миннатдорман", деган эди. Демакки, юртимизда бошланган умуммиллий ҳаракатдан кўзланган мақсад ҳам, шубҳасиз, жуда улкан ва кўркам!

Яна Устозлар хиёбонига қайтаман. Бундан 50 йиллар муқаддам Иштихон туманига раҳбарлик қилган Мурод Жўраев ташаббуси билан бунёд қилинган ушбу истроҳат боғи, айниқса, ҳарорати банд ёз кунларида дам олувчиларни ҳар лаҳза ўзига қорлаб туради. Чунки бу манзилда аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хиёбон ўртасида мўъжазгина кутубхона ташкил қилинган бўлиб, соя-салқин ўриндиқларда китоб мурола қилиб турган ёшларни кўриб янада завқинг ортади.

"Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият!" шiori остида мазкур боғда ўтказилган китоб фестивалини бир сўз билан маърифат ва таваққур майдони деб аташ мумкин. Зеро, тадбир доирасида ташкил этилган тил бўйича саводхонлик танловлари, ижодий учрашувлар ҳамда "Заковат" интеллектуал белашувлари бу ерга жам бўлганлар кўнгида келгуси ёруғ кунларга янада умид уйғотганига асло шубҳа йўқ.

Тадбир юзлаб ўқувчи ёшлар, устозлар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни жамлаган ҳолда жуда кўтаринки руҳда бошланди. Самарқанднинг ҳар бир тумани учун алоҳида павильонлар бунёд қилиниб, жавон-жавон китоблар ва улар қаршида гузгон ёшларни кўриб кўзинг қувнайди.



Пойтахт — Тошкенти азимдан таширф буюрган меҳмонлардан бири, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов айни дамдаги кўнгил кечинмаларини бундай баён қилди:

— Ростини айтсам, ҳаммасидан ҳам кўра, пештоқиға "Китобхон оила" деб битилган павильон менга жуда маъқул бўлди. Бундаги китобхон бобо ва буви ҳамда набираларинг мароқли мутолаа билан машғуллиги манзараси, тўғриси, мени ҳайратга солди. Агар расом бўлганимда, бу манзарани бошқача меҳр билан, албатта, қозғоға муҳрлаган бўлардим. Биз ҳар бир маҳаллада мана шундай оилаларни кўпайтиришимиз керак. Китоб ўқиган, билимга интилангилар миллат ҳеч қачон енгилмаслигини, қолаверса, "илмдан бошқа нажот йўқ"лигини ҳаётини мисоллар асосида ҳижоқ қилиб бера оладиган соҳа шундай оилаларни кўпайтиришимиз керак. Китоб ўқиган, билимга интилангилар миллат ҳеч қачон енгилмаслигини, қолаверса, "илмдан бошқа нажот йўқ"лигини ҳаётини мисоллар асосида ҳижоқ қилиб бера оладиган соҳа шундай оилаларни кўпайтиришимиз керак. Китоб ўқиган, билимга интилангилар миллат ҳеч қачон енгилмаслигини, қолаверса, "илмдан бошқа нажот йўқ"лигини ҳаётини мисоллар асосида ҳижоқ қилиб бера оладиган соҳа шундай оилаларни кўпайтиришимиз керак.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбари Умида Тешабоева фестивал жараёналарини кўзга туриб, ўз таассуротларини бундай изоҳлади:

— Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт берилгани айни мудабо бўлди. Чунки буюк аждодларимиз дунё илми пешволари сифатида эътироф этиб келинади. Демак, биз ҳам уларнинг давомчилари бўлиб, маърифат орқали ўзимизнинг муносиб сўзимизни айта олоғимиз керак. Яқинда Президентимиз адабиёт, маданият ва санъат намояндалари билан бўлган учрашувида соҳада қутилаётган катта янгиликлар ҳақида гапириб ўтди. Мана, бугун Иштихонда шу ишларнинг узвий давом сифатида йирик китобхонлик фестивали ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси

юртимизда китобхонлик даражасини юксалтириш йўлидаги инқилобий ўзгаришлардир. Айниқса, китобга ўрнатилган маҳобатли монументни кўриб ҳайратга тушдим. У улканлиги билан мамлакатда ягона, десам адашмаган бўламан.

Иштихонда зиё сайли

Самарқандда ўз журналистика мактабин яратган устоз Фармон Тошев бошчилигидаги меҳмонлару тадбир ташкилотчилари ҳамроҳлиғида жараёнларни кузатишда давом этамиз. "Зарафшон" газетасининг қалами ўткир журналисти Гулрух Мўминова таъбири билан айтганда, мазкур зиё сайлида ёшлар ўртасидаги интеллектуал белашувлар, болалар иқтидорини намён этган танлов ҳамда китоб тақдимотлари, ёш расомларнинг очик хиёбонда асарлар қаҳрамонларини тасвирлаши, ижодий жамоалар чиқишлари намойиш этилмоқда.

— Ҳар бир шаҳар, туман учун ажратилган павильонларда китоб билан боғлиқ саҳналар, кўрғазмаларни янгича бир шаклда кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Ушбу йирик байрам ташкилотчиларини номма-ном санашнинг иложи ҳам йўқ, чунки зиёлиман деганнинг барчаси бу ишга сафарбар қилинган, — дейди Иштихон тумани ҳоқими Фазлиддин Рўзиев.

Китоб тарқатган муаллим

Бугунги кунда мамлакатимизда бор-йўғи олганга хусусий кутубхона мавжуд. Уларнинг биттиси Иштихон туманида жойлашган.

— 2000 йилларда кутубхоналар фойдали анчагина мураккаб ҳолга тушган, қилиб турган кам, борларининг аксарияти хароб аҳволга келиб қолганди, — дейди "Нодирабон кутубхона" оилавий қорхонаси раҳбари Нодира Эсонбоева. — Узим ўқувчиман, лекин ёшлигимнинг барчаси бу ишга сафарбар қилинган. Уша йиллари қарасам, уйимда

5 мингга яқин сара китоб йингилиб қолган экан. Ҳаёлимга ишдан бўш вақтларимда одамларга китоб тарқатсам-чи деган бир гоя келди. Кўлимга иккита сумка олиб, ҳар бирида 20 тадан 40 китоб солиб, аввал Иштихон туманимиздаги турли ташкилот, қорхоналарга кириб, китоб тарқатдим. Муайян муддатдан кейин китобларни олиб кетдим, табиийки, озорқ маблаг эвазига. Буни қарангки, одамларнинг китоб ўқишга қизиқиши кучли экан. "Яна келинг", деб қолиди. Шу тарих мен қатнайдиган қорхоналар сони кўпайди, географияси ҳам кенга бошлади. Тўғриси, бундан катта даромад қилиб бўлмайди, лекин шу китоблар бўш ётмагани, одамлар уни ўқиётгани менга кўпроқ завқ беради. Кейинчалик ишимни кенгайтирмоқчи бўлиб, вилоят ҳоқимига имтиёз сўраб мурожаат қилдим. Ахир мен тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтолмайман, фаолиятим даромадга мўлжалланмаган. Шундан кейин менга бу борада йўл-йўриқлар кўрсатилди. "Лабo" русумли автомобилни имтиёзли харид қилдим ва кутубхоначиликни оилавий тадбиркор сифатида давом эттириб келмоқдаман.

Фестивалнинг хорижлик иштирокчилари

— Биз ушбу туманда шу йил иш бошладик ва бундай китобхонлик тадбири ўтказилмаётганидан жуда хурсандим, — дейди фестивал иштирокчиси, Самарқанд ҳалқаро коллежи раҳбари, хитойлик Шу Шу. — Чунки бизнинг мамлакатимизда ҳам китобхонлик жуда ривожланган. Ҳар ойнинг 24-санаси китобхонлик кун сифатида белгиланган ва бу кунда доим китобсеварлар йингилишиб, ўзлари ўқилган асарлари, уларнинг қаҳрамонлари ҳақида сўхбат қуришади. Қолаверса, бизда китоб ўқиган, билими инсонга муносабат бошқача, яъни одамларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки асосан билимига баҳо беришади ва шунга қараб муносабат ўзгаради. Шунинг учун кўпчиликда китоб ўқишга, ўзини ривожлантиришга интилиш кучли.

Узим ҳақимда тўхталадиган бўлсам, китоб ҳаётимнинг кескин ўзгаришига ёрдам берган. Чечка қишлоқда туғилиб ўсган оддийгина қизалоқ айнан китоблар орқали бугун катта компанияларга эга бўлдим. Ўз тадбиркорлик соҳамни юритиш баробарида қизиқишларим бўйича ҳам ишламоқдаман.

"Туғромда Ҳумо куши"

Бир сўз билан айтганда, кун давомида қайноқ мушонаралар, асарларга оид саҳна кўринишлари, ёш бахшилардан янги айтимлар, соҳада хонандаларнинг мумтоз ижралари, қолаверса, зукко китобхон ёшлар белашувлари ҳамда оммавий диққат танловларида голлибликни қўлга киритилганнинг муносиб тақдирланиш жараёнларини ҳажон билан кузатиш. Анжуман якуни эса қувноқ куй-қўшиқлару рақсларга улашиб кетди.

Шу юртининг бир ижодкори сифатида мен ҳам фахрур ифтихорга тўлиб-тошдим. "Китобга, адабиётга ошно бўлган дилларда жой" деган маънони англатади. Шаршара яқинидаги Сангардак қишлоғи ҳам бу табиат мўъжизасининг ажралмас қисмидир. Сайёҳликка қаратилган эътибор сабаб Сангардак

САНГАРДАК — ТОҒ БАҒРИДАГИ ТУРИЗМ МЎЪЖИЗАСИ



Фаровонлик харитаси

Сурхондарё вилояти Сариеё туманидаги Сангардак қишлоғи нафақат экотуризм, балки сайёҳликнинг зиёрат, этно, тиббиёт, агро каби ноёб турларини ривожлантириш учун ҳам қулай муҳитга эга. Аммо узоқ йиллар худуднинг бундай имкониятларидан фойдаланилмади. Хизмат кўрсатиш, инфратузилма каби муҳим масалалар эътибордан четда қолди.

Президентимизнинг 2024 йил 16 декабрдаги "Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини асосида тоғли худуднинг туризм имкониятини бор бўй-басти билан намён этишга, сайёҳлар учун жозибали ва унутилмас манзил бўлган йирик мажмуа — Янги Сангардак барпо бўла бошлади.

— Қарорга кўра, хорижий компаниялар билан ҳамкорликда замонавий мастер-режа ишлаб чиқилди. Унга асосан, 615 гектар майдонда сайёҳлик маркази бунёд этилади. Уни қуриб, ишга тушириш учун эса 913 миллиард сўмдан ортқ маблаг йўналтирилади, — дейди Сурхондарё вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш дирекцияси бош муҳандиси Зафар Мўминов. — Сангардакда 3,2 километрли дор йўли ишга туширилади. Капсула уйлар, бунгалолар, меҳмонхона, меҳмон уйлари, бозор, ресторан, автотурароғроҳ ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Натияжда тоғ қўйнидаги мажмуанинг сайёҳлик салоҳияти қаррасига ортди.

Айни пайтда яна 130 дан ортқ лойиҳада иш қизгин бормоқда. Уларнинг 5 таси замонавий меҳмонхона, 80 таси меҳмон уйи, 7 таси бунгалo, 6 таси маданий ҳордиқ чиқариш ва спорт иншоотлари. Яқин келажақда 25 та ресторан, кафе, дўкон ва машиий

хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда 3 та зиплайн қад ростлайди.

— Худудда турли лойиҳалар иштирокчиси бўлган ишбилармонлар ҳам қўллаб-қувватланапти, — дейди тадбиркор Тошмурод Мирзаев. — Хусусан, кредит ажратилишига ёрдам бериляпти. Эвазига ишимиз унуми ошиб, зарур инфратузилмалар яратилмоқда. Масалан, шу кунларда барпо этилган савдо шохобчалари, рестороанлар ва кўнгилчор объектларга элтиданг 4 километрдан ортқ йўл қурилиши, ичимлик сув тармоғи, канализация тизимини тортиш борасидаги ишларимиз жадал кечмоқда.

Қишлоқда халқаро стандартлар асосида барпо этилган замонавий дор йўли Сангардакнинг янги рамзига айланмоқда. Бу лойиҳа сайёҳларга тоғлар узра парвоз қилгандек ноёб ҳиссиёт бахш этади. Қолаверса, дор йўли Сангардакнинг қадим ва бетакрор шаршараларини яқиндан кўриб, гўзаллигини ҳис қилиш имконини ҳам беради. Дор йўли орқали юқориға кўтарилар экансиз, ястанган



яшил водийлар, Сангардак шаршараси тумон оқаётган оқим ва осмон билан тутташгандек туюлган тоғ манзараси сизни бутунлай бошқа оламга олиб қиради.

Хисор тоғ тизмаси этағида, денгиз сатҳидан 3000 метр баландиқда жойлашган бу шаршара 150 метр баландиқдан отилиб тушади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, "Сангардак" сўзи "тошлар билан ўралган

жой" деган маънони англатади. Шаршара яқинидаги Сангардак қишлоғи ҳам бу табиат мўъжизасининг ажралмас қисмидир. Сайёҳликка қаратилган эътибор сабаб Сангардак

туризм қишлоғи шуҳрати тикланди. Бугун бу ер мамлакатимизнинг турли худуддан келган юртдошларимиз билан гавжум. Улар мафтунқор табиат қўйнида бетакрор гўзаллиқни, "Ўзбекистоннинг Ниагасис" деб таърифланган Сангардак шаршарасини баланг тоғ чўққиларидан тоша қилиб, завқ олмақда.

— Ҳар йили баҳор ва ёзда Сангардакка келиб, бир неча кун ҳордиқ чиқариб қайтаман. Кейинги йилларда бу ерга турли давлатлардан ҳам сайёҳлар кела бошлади. Улар билан сўхбатлашсангиз, юртимиз тинчлиги, саёҳат қилишга арзийдиган манзилларни қўлтигини айтади. Бундан кўнгилм тоғдек юксалади, — дейди меҳнат фахрийиси Турсунпўлат Мирзаев.

Ушбу мажмуа туфайли Сариеёда хизмат кўрсатиш салмоғи ва сифати ошиб, аҳоли бандлиғи таъминланмоқда. Хусусан, тоғли гўшадаги туризм маркази сабаб 2000 дан ортқ янги иш ўрни очилди. Режага кўра, лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, Сангардакда камбағал оила қолмайди.

Сарвар Тўраев, "Янги Ўзбекистон" мухбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар. Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРК" НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 30166 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРК" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Мусахҳи: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:45 Тошхирлиди — 23:15